

Ўктам ЖИЯНОВ,

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси**Ислом иқтисодиёти ва молияси,**зиёрат туризми кафедраси ўқитувчиси*

ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Ўзбекистон нафақат ўзининг бой тарихи ва маданий ёдгорликларига эгалиги билан, балки муқаддас қадамжолар маскани сифатида ҳам жаҳонга машҳурдир.

Ўзининг кўп минг йиллик тараққиёти давомида ватанимиз сиёсий, маданий, ижтимоий-иқтисодий, геосиёсий салоҳияти жиҳатидан дунё тамаддунига катта ҳисса қўшиб келган. Шунингдек, мамлакатнинг Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги, бу ерда маданиятлар тўқнашувининг юз беришига, илм-фан ютуқларининг алмашинувига, мамлакатлар орасидаги янгиликларнинг ўзаро кенг ёйилишига хизмат қилган.

Айтиш мумкинки, тарихда жаҳон тамаддуни, жумладан, маънавияти ва илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган мамлакатлар ва халқлар сони у қадар кўп эмас. Бу борада сўз кетганда Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Византия, Саудия Арабистони, Миср, Греция, Италия, Франция, Англия, Германия, Россия давлатлари сафида Ўзбекистоннинг ҳам номи тилга олинади. Бунга сабаб юртимиздан етишиб чиққан Имом ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Муҳаммад ал-Хоразмий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Аҳмад ал-Фарғоний, Ҳаким ат-Термизий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Абдулқодир Бедил, Бобораҳим Машраб каби мутафаккир алломалар, буюк сиймоларнинг башариятнинг ҳозирги юксак тараққиётга эришувида ўзининг юксак ҳиссасини қўшган.

Ўзбекистонда қадимий обидалар, улуғ илм соҳиби ва ислом динига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган шахслар зиёратгоҳларининг

кўплиги ислом динига эътиқод қилувчи мусулмон бўлган сайёҳларни зиёрат мақсадида юртимизга қизиқишини янада ортишига сабаб бўлмоқда. Республикада қадим тарихга эга, бир неча тузумларни кўрган ва шундай шароитда ҳам ўз кадр-қимматини, гўзаллигини сақлаб қолган обидалар сайёҳларда ажиб бир ҳайрат ҳиссини шакллантирмоқда. Зеро, Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёнинг 10 та етакчи мамлакатлари қаторидан ўрин эгаллаган. Республикада туристларни ўзига жалб қиладиган 7,4 мингдан зиёд маданий мерос объектлари мавжудлиги ҳамда уларнинг 209 таси ЮНЕСКО ташкилоти рўйхатидан ўрин эгаллаганлиги мамлакатимиз туристик салоҳиятининг юқорилиги ва имкониятларининг кенглигига далолат қилади¹.

Бугун зиёрат туризми бозори борган сари кенгайиб бормоқда. Маълумотларга кўра агар 2016 йилда зиёрат туризмнинг сиғими 140 млн. киши бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2026 йилда 230 млн. кишига етиши прогноз қилинган. Агар улардан келадиган тушум 2016 йилда 142 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2026 йилда 300 млрд.дан ошади². Бу рақамлар йилдан йилга зиёрат туризмнинг оммалашиб бораётганлигига ишора қилади.

Ўзбекистонда ҳам зиёрат туризми умумий туризмнинг алоҳида муҳим секторига

¹ 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармонида илова.

² <https://www.youtube.com/watch?v=гусвајхіqcc>

айланиб бормокда. Хусусан, аҳолисининг аксар қисми мусулмонлардан иборат бўлган Индонезия, Туркия, Малайзия, Покистон, Марказий Осиё мамлакатларидан турист сифатида мамлакатимизнинг Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги ислом дини ғояларини ўзида акс эттирувчи тарихий обидаларни томоша қилиш, миллий қадриятлар, маҳаллий урф-одатлар, шарқона ҳаёт, турмуш тарзи билан танишиш мақсадида ташриф буюрувчиларнинг сони ортиб бормокда.

Мусулмон сайёҳларнинг алоҳида хусусияти шундан иборатки, улар бўлажак саёҳат, зиёрат жойларини яхши билганликлари, яъни етарли даражада мусулмон аҳли учун зарур бўлган масжид, тоат-ибодат учун яратилган шароит, ҳалол таомлар мавжудлигига ишонч ҳосил қилгандагина сафарга чиқадилар. Шундай экан, мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантириш учун дин билан боғлиқ тарихий ёдгорликлар, ўзига хос диний қадриятлар ва анъаналарнинг мавжудлигининг ўзи етарли эмас. Одинда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талайгина. Зиёрат туризмини ривожлантириш билан боғлиқ мавжуд камчиликларга меҳмонхоналарнинг етишмаслиги, арзон ва қулай инфратузилманинг тўлиқ мавжуд эмаслиги, эркин ахборот олиш ва интернетдан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги, турмаҳсулотларнинг сифати пастлиги ва жозибадор эмаслиги туфайли сайёҳларни ўзига етарли даражада жалб қила олмаётганлиги ва бошқаларни киритиш мумкин. Туристларни жалб этиш учун қулай туристик инфратузилмани шакллантириш, яхши реклама, жозибадорликни намоёиш этувчи ташвиқот ишларини олиб бориш, виза режимини янада эркинлаштириш, аэропорт ва меҳмонхоналарда ибодат қилиш учун шинам шароитлар яратиш керак.

Статистик маълумотларга кўра, жаҳонда 1,6 млрд. дан ортиқ ислом динига эътиқод қилувчилар бўлиб, улар дунёнинг деярли барча минтақасида яшайди. Хусусан, кўп сонли мусулмон аҳолига эга бўлган Индонезия (260 млн.), Малайзия (32 млн.), Покистон (150 млн.) сингари мамлакатларнинг фуқароларини зиёрат туризми мақсадида Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Термиз ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида жойлашган муқаддас қадамжоларга жалб этиш Ўзбекистон учун улкан имконият ҳисобланади. Ушбу шаҳарларда жойлашган муқаддас қадамжолар, авлиёлар ва уламоларнинг мақбаралари, масжид ва мадрасалар, қадимий қўлёзмаларни кўрсатиш хорижий сайёҳлар қизиқишларининг ортишига, сайёҳлар оқимининг кенгайишига, пировардида мамлакатимиз туризм салоҳиятини яхшиланишига тўртки бўлади.



Таҳлиллар шуни кўрсатадики, сайёҳлар қисқа муддат ичида кўплаб ва қадимий жойларни кўришни истайди. Ўзбекистонда эса вақт чегаралангандир. Ўзбекистонда кафе ва ресторанлар 23:00 да ёпилади. Агарда ресторанларни 24 соатлик иш вақтига ўзгартирилса, бу муаммо ўз ечимини топган бўлар эди. Туристларга меҳмонхонадан вақтинча рўйхатдан ўтиш ҳам баъзи муаммоларни келтириб чиқармоқда ҳамда фақатгина 5 юлдузли меҳмонхоналарга кўпроқ аҳамият берилмоқда. Агарда биз 4-5 юлдузли меҳмонхоналарга ва 2-3 юлдузли меҳмонхонага ҳам бирдек эътибор берилса, уларда туристлар учун қулайликлар яратилса, бу ҳам туристлар сонининг ошишига сабаб бўлади. Юртимиздаги меҳмонхоналарда мусулмон сайёҳлар учун зарур шарт-шароитларни яратилиши меҳмонхоналарнинг нуфузини ошишига, сайёҳларнинг қизиқишининг ортишига хизмат қилади. Шунингдек, сайёҳларнинг массаж хизмати, пиёда юришни талаб этадиган жойларнинг кўплиги учун туристларга қисқа масофаларга хизмат кўрсатувчи сервис хизматларини ҳам жорий этиш лозим. Энг асосийси келган меҳмонларни, яъни сайёҳларни барча сервис хизматларида очиқ чеҳра билан кутиб олиш ҳамда уларни узоқ муддат куттириб қўймаслик учун ходимларнинг тезкорлигини ошириш ва ўша хизматнинг техник салоҳиятини юқори даражага кўтариш муҳим омил ҳисобланади.

Туристларни жалб этишнинг энг асосий омилларидан яна бири бу – тарихий обидаларни асли ҳолича сақлашдир. Европалик сайёҳлар ҳам, мусулмон давлатлари туристлари ҳам замонавий осмонўпар биноларга тўла мамлакатлардан келишади. Ўзбекистоннинг ўзига хос жиҳати тарихий обидалар ўзининг гўзал, қадимий кўринишини сақлаб қолганлигидир. Тарихий обидаларга лиммо-лим бўлган қадимий шаҳарларимизда обидалардаги ёзувлар катта маъно-мазмунга эгадир. Бу биноларнинг узоқ ўтмишга эга эканлиги, қандай қурулиш услубларида бунёд этилганлини ҳамда обидалардаги нақшларнинг услублари ва бу нақшлар орқали қандай маъно-мазмун яширинганлиги ҳақида чет тилларидаги таржима буклетларини тайёрлаш сайёҳларни янада кўпроқ қизиқиш билан Ўзбекистонга жалб қилишга сабаб бўлади.

Зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича “Қуббат-ул ислом” мақомига сазовор бўлган Бухоро шаҳрида тамал тоши қўйилди, дейишимиз мумкин. 2019 йил 21-23 февраль кунлари қадим Шарқ дурдонаси бўлган Бухоро шаҳрида зиёрат туризми бўйича биринчи халқаро форум бўлиб ўтди. Унда дунёнинг кўплаб давлатларидан дин уламолари, муфтийлар, нуфузли халқаро ташкилотлар аъзолари, сайёҳлик компаниялари, тур компаниялари операторларининг вакиллари қатнашди. Ушбу форумда қатнашувчилар Ўзбекистоннинг зиёрат туризми салоҳияти билан яқиндан танишди ҳамда юртимизни зиёрат туризмининг янги марказига айлантиришда яқин ҳамкорлик қилиш ва ўзаро маданий алоқаларни ривожлантириш борасида фикр-мулоҳазалар алмашди³.

“Crescent Rating” агентлиги “Master card” ташкилоти билан бирга ҳар йили «Жаҳон мусулмон саёҳати индекси» (Global Muslim Travel Index) рейтингини тузиб боради. “Халол туризм” бўйича “Crescent Rating” ташкилоти томонидан 2017 йилда тузилган рейтингда Ўзбекистон 28-поғонани эгаллаган эди. 2018 йилда рейтингда қуйи даражада баҳоланган, кам ривожланган йўналишларни яхшилашга эътибор қаратилди. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси “Crescent Rating” ташкилоти билан ҳамкорликда мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди ва улар бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада, ушбу тавсиялар асосида халқаро аэропортлар ва меҳмонхоналарда ибодат амалларини бажариш учун зарур шароит яратилди, масжидлар яқинидаги йўлларга йўл кўрсаткичлари ўрнатилди. Зиёрат туризми соҳасидаги энг муҳим воқеалардан яна бири 2019 йил бошларида юртимизда илк бор “Халол стандарти” жорий этилди⁴. 2019 йилда Ўзбекистон ушбу рейтингда юқори поғоналарга кўтарилиб, 140 мамлакат орасида 22-ўринни эгаллади⁵.

Бундан ташқари, “Рамазонни Ўзбекистонда нишонлашнинг 7 сабаби” номли реклама кампанияси ташкил этилди ҳамда республика бўйлаб масжидлар жойлашувини кўрсатувчи «Masjid Finder Uzbekistan» номли мобиль

³ <https://uzbektourism.uz/uz/newsnews/>

⁴ <http://uza.uz/oz/tourism/zbekistonda-ziyerat-turizmi-2018-yilga-nazar-27-12-2018>

⁵ <https://www.halaltrip.com/other/blog/uzbekistan-prayer-rooms/>

иловаси ишга туширилди. 2020 йилда Бухоро шаҳрининг “Ислом олами маданияти пойтахти” деб эълон қилинганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз⁶.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида ҳукумат томонидан босқичма-босқич комплекс қарорлар, фармонлар ва давлат дастурлари қабул қилинмоқда. Хусусан, 2019 йилнинг 5 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сонли Фармони қабул қилинди. Унга кўра, 2025 йилга қадар туризм соҳаси ривожланишининг асосий йўналишлари белгиланди ҳамда соҳага доир мақсадли кўрсаткичлар аниқлаб олинди.

Шунингдек, 2018-2020 йиллар мобайнида мамлакатимизга хорижий фуқароларнинг кириши учун виза режимини енгиллаштириш бўйича босқичма-босқич чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада, 7 та давлат фуқаролари учун виза режими бекор қилинди ва визасиз режимга эга мамлакатлар сони 86 тага етди. Бундан ташқари виза жараёнларини соддалаштириш мақсадида электрон виза олиш имкониятига эга мамлакатлар сони 57 ни ташкил этди. Қўшимча равишда, “Ватандош”, “Талаба”, “Академик”, “Зиёратчи” ва “Тиббиёт” виза турлари жорий этилди. Бу эса хорижий сайёҳлар, хусусан, ислом динига эътиқод қилувчи ва мусулмон аҳолига эга бўлган кўплаб давлатлардан мусулмон туристлар ташрифининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар қисқа муддатда ўз самарасини кўрсатди. Хусусан, виза режимидаги ўзгаришлар, ортқича тўсиқларни бартараф этилиши, Ўзбекистонда бўлиш қоидалари ҳамда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш тартибининг соддалаштирилиши, соҳанинг инвестиция жозибадорлигини оширилиши, туризм соҳасида инфратузилманинг ривожланиши ва туризм салоҳиятини тарғиб қилиш чораларининг қўрилиши 2019 йилда мамлакатимизга кириб келаётган хорижий фуқаролар сонини ўтган 2017 йилга нисбатан 2,5 бараварга ошишига, туризм хизматлари экспортидан тушадиган даромадлар ҳажмини 2017 йилдаги 546,9 миллион АҚШ долларидан

2019 йилда 1,3 млрд. АҚШ долларига ўзгаришига сабаб бўлди⁷.

Юқоридаги кўрсаткичларни 2025 йилга келиб эса 12 миллионга етказиш мақсад қилинган эди. Аммо ҳозирги вақтда кузатилаётган COVID-19 пандемияси иқтисодиётнинг барча жабҳалари, хусусан, туризм соҳасига ҳам ўз салбий таъсирини ўтказмай қолмади. Туризм соҳасига кўрсатган таъсир кўламини ташриф буюрувчилар сони ва туризм хизматлари экспорти ҳажмининг 2020 йилнинг биринчи чорагида кескин камайганлигини, иккинчи чорада эса хорижий сайёҳлар оқимининг батамом тўхтаганлиги билан ҳам кўриш мумкин. Бу эса келгусида соҳани ривожлантириш билан боғлиқ бўлган режаларни, эришилган натижаларни муддатларини янада узайтириши мумкин. Масалан, соҳа мутахассислари пандемиянинг туризм соҳасига зарарини қоплаш, соҳани қайта тиклаш пандемия тўхтаганидан кейин 22 ой муддат кетишини тахмин қилмоқда.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, зиёрат туризмни ривожлантиришда сайёҳларнинг талаб ва таклифларини ҳисобга олиш лозим. Хусусан:

- туристлар оқимида мос, шарт-шароитларга эга бўлган меҳмонхона ва ресторанларнинг сонини янада ошириш ҳамда меҳмонхоналарда мусулмон сайёҳлар учун қулай шароитларни яратиш;

- зиёрат туризми йўналишидаги туристлар ташрифи юқорилиги инobatга олган ҳолда барча туристик хизмат ва маҳсулот турларига “Ҳалол стандарти” талабларини жорий этиш;

- зиёрат туризмни ривожлантириш учун халқаро ташкилотлар, туризм ривожланган давлат билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва уларнинг бу соҳадаги илғор тажрибаларини ўзлаштирган ҳолда амалиётга татбиқ этиш;

- тарихий шаҳарларимиздаги зиёратгоҳлар ҳақидаги рекламаларни бутун дунё кўриши мумкин бўлган телеканаллар орқали тарғиб қилишни йўлга қўйиш;

- юртимизда қадимдан қадрланиб келинадиган қўл меҳнати, уй хунармандчилигини ривожлантириб, бу йўналишда фаолият олиб борадиган тадбиркорларга маълум бир эркинликлар ва енгилликлар бериш лозим.

⁶ <https://uzbektourism.uz/cyrl/newnews/view?id=992>

⁷ <https://review.uz/oz/post/turizm-soasini-rivozlantiris-bujica-2019-jilda-amalga-osirilgan-islal>